

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ ИЛМИЙ АСОСДА
АМАЛГА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Ингичка толали ғўзанинг республика жанубий минтақалари тупроқ-иқлим шароитларига мос, серҳосил, тезпишар, касаллик ва заараркунандаларга бардошли, саноатбоп навларини яратиш ҳамда уруғчилигини йўлга қўйиш, шунингдек, ресурс тежайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигидаги билим ва инновациялар миллий марказининг Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станцияси негизида Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

ғўзанинг ингичка толали янги навларини яратиш ва уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш;

ғўзанинг ингичка толали янги навларини етиштиришда тупроқ унумдорлигини ошириш ва ресурс тежайдиган агротехнологиялардан фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги соҳаси учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, шунингдек, ғўзанинг ингичка толали янги навларини етиштирувчи субъектларнинг малакасини ошириш;

етакчи маҳаллий ва хорижий илмий марказлар ва таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳага маҳаллий ва хорижий грантларни ҳамда инвестицияларни жалб этиш.

3. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Институт:

икки ой муддатда ғўзанинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос, тезпишар, серҳосил, касаллик ва заараркунандаларга бардошли, тола сифати юқори бўлган ингичка толали навларини яратиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, ресурс тежайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича Институт томонидан тақдим этилган илмий лойиҳаларни шакллантириб, илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида молиялаштириш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим қиласин;

уч ой муддатда халқаро молия институтларининг жалб этилган маблағлари ҳисобидан ғўзанинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос, тезпишар, серҳосил, касаллик ва заараркунандаларга бардошли, тола сифати юқори бўлган ингичка толали навларини етиштириш бўйича кўргазмали дала майдонларини барпо этсин.

4. Инновацион ривожланиш вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ғўзанинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос, тезпишар, серҳосил, касаллик ва заараркунандаларга бардошли, тола сифати юқори бўлган ингичка толали навларини яратиш ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, ресурс тежайдиган агротехнологияларни ишлаб чиқиш бўйича Институт томонидан тақдим этилган илмий лойиҳаларга танловлар асосида давлат илмий-техник дастурлари доирасида маблағлар ажратиб борилишини таъминласин.

5. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ингичка толали ғўза навларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, замонавий илмий технологияларни жорий этиш учун Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги «Замин Ангор» пахта-тўқимачилик кластери, Жарқўрғон туманидаги «Жарқўрғон Тажриба» ҳамда Кумқўрғон туманидаги «Илхомбек Раҳмон» элита уруғчилик хўжаликларида Институтнинг Илмий марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари» уюшмаси ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги:

худудларнинг тупроқ-иқлим шароити ва пахта-тўқимачилик кластерлари талабларидан келиб чиқсан ҳолда 2022 йилда 12 минг гектар майдонга ва 2023 йилда 18 минг гектар майдонга ғўзанинг ингичка толали навларини жойлаштириш;

ғўзанинг ингичка толали навларини жойлаштиришнинг ҳар йилги талабидан келиб чиқиб, етарли миқдорда уруғлик чигитларни тайёрлаб бориш чораларини қўрсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Институтга қарашли қишлоқ хўжалиги экин майдонида замонавий селекция усуллари ёрдамида ғўзанинг ингичка толали навларини яратиш мақсадида фитотрон иссиқҳонасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин. Бунда фитотрон иссиқҳонасини ташкил этиш харажатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан жалб этилган халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

8. Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш, ингичка толали навларни яратиш соҳасида илмий-тадқиқотларни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти уставини тасдиқласин;

Институтни назарий билим ва амалий кўниқмаларга эга бўлган юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини қўрсин;

соҳада фаолият юритаётган маҳаллий ва хорижий илмий-тадқиқот институтларининг генофондида сақланаётган ғўзанинг ингичка толали ёввойи ва ярим ёввойи турлари ҳамда нав-намуналаридан селекция ишларида бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги «Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар қўрсатишни янада ривожлантириш тўғрисида»ги ПФ-6159-сон Фармони [10-банди](#) ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4975-сон қарори [7-бандига](#) мувофиқ, 2021 йил 1 февралдан бошлаб Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази тизимидағи илмий ташкилотлар бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича, шунингдек, жорий харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Институтнинг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш:

2022 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида идоравий мансублигига кўра тегишли вазирликлар ва идораларга ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади;

2023 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети параметрларида назарда тутилади.

Институт ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техник дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштирилади.

11. Белгилансинки:

Институт Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Сурхондарё илмий-тажриба станциясининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва

шартномалари бўйича хуқуқий вориси ҳисобланади;

Институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштироқида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4803-сон [қарори](#) доирасида амалга оширилади.

12. Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Институтнинг бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, унинг ходимлари (илмий ходимлардан ташқари) меҳнатига ҳақ тўлаш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

давлат илмий-техник дастурлари доирасида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича илмий лойиҳалар учун ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотларнинг грантлари доирасида тушадиган маблағлар, шунингдек, хўжалик фаолиятидан ҳамда шартнома асосида кўрсатилган хизматлардан олинадиган даромадлар;

бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни белгилангандар тартибда тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик хўжжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда қонунчилик хўжжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари Ш.М. Фаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2022 йил 18 март,
ПҚ-170-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 18
мартдаги ПҚ-170-сон [қарорига](#)
ИЛОВА

**Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институти фаолиятини ташкил этиш ва
моддий-техника базасини шакллантириш, ингичка толали навларни яратиш соҳасида
илмий-тадқиқотларни ривожлантириш бўйича**

«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»

Т/ р	Чора-тадбирлар номи	Бажариш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъуллар
I. Институт фаолиятини ташкил этиш ва моддий-техника базасини шакллантириш				
1.	Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг (кейинги ўринларда — Институт) уставини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказиш.	бир ой муддатда	Маблағ талаб этилмайди	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги